

ОИЛА МОДЕЛЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Толибов Абдурауф Нуридин ўғли,

Халқаро Нордик университети “Foundation” мактаби менежери

Email: a.tolibov@nordicmail.uz

Аннотация. Ушбу мақолада оиланинг анъанавий, замонавий ва инновацион моделлари таҳлил қилиниб, уларнинг маънавий ахлоқий тарбия, ижтимоий-иктисодий, психологияк, таълим ва саломатлик даража ва жихатлари муҳокама қилинган. Шунингдек, оиладаги етакчилик муаммоси, оила аъзоларининг мажбуриятларини англанилиши, бир-бирларига ҳурмат ва толерант муносабатда бўлиш каби хусусиятлар тадқиқ қилинган. Тадқиқот мавзуси доирасида 2018 йилда «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази мутахассислари томонидан ўтказилган сўровнома натижалари муҳокама қилиниб, 3 оила туридан қайси бири копроқ амалда эканлиги кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: оила моделлари, моддий фаровонлик, маънавий-ахлоқий тарбия, никоҳ, оилавий қадриятлар.

Аннотация. В статье анализируются традиционные, современные и инновационные модели семьи, обсуждаются их нравственные, социальные, экономические, психологические, воспитательные и медицинские уровни и аспекты. Также изучались такие характеристики, как проблема лидерства в семье, понимание обязанностей членов семьи, взаимоуважение и толерантное отношение. В рамках темы исследования были обсуждены результаты опроса, проведенного экспертами научно-практического исследовательского центра «Семья» в 2018 году, и рассмотрено, какой из 3-х типов семей является более практическим.

Ключевые слова: модели семьи, материальное благополучие, нравственное воспитание, брак, семейные ценности.

Abstract. The article analyzes traditional, modern and innovative family

models, discusses their moral, social, economic, psychological, educational and medical levels and aspects. We also studied such characteristics as the problem of leadership in the family, understanding the responsibilities of family members, mutual respect and tolerant attitude. As part of the research topic, the results of a survey conducted by experts from the scientific and practical research center "Family" in 2018 were discussed, and which of the 3 types of families is more practical.

Keywords: **family models, material well-being, moral education, marriage, family values.**

Кириш. Дунё амалиётига назар ташланса, оила модели учта асосий турга ажратилади: анъанавий, замонавий ва инновацион оила. Ушбу моделлар параллел тарзда ҳаракатда бўлиши мумкин, бироқ яққол ифодаланган тарихий кетма-кетликка эга.

Анъанавий оила моделида эркаклар ва аёлларнинг роли аниқ тақсимланган ва бириктирилган бўлади. Эркак –молиявий ресурслар тўпланган оила бошлиғи ва асосий қарорларни у қабул қиласди. Шу муносабат билан оила ичидаги ролларнинг бириктирилиши пайдо бўлади. Аёл эркакка бўйсунади, у уй юмушлари ва фарзандлар тарбияси билан шуғулланади. Болалар, ўз навбатида, ота-оналарига бўйсунадилар, ҳар қандай оила аъзосининг нуфузи унинг жинсига ва ёшига боғлиқ. Оилавий қадриятлар “ота-оналар – болалар” муносабатлари учун асос ҳисобланади. “Замонавий оила модели”да эса, аёлнинг сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий мақоми ошиши оила ичидаги роллар ва оила ҳаёти меъёрларининг ўзгаришига олиб келади. Отана профессионал карьерасини ва оилавий мажбуриятларини мутаносиб равишда (тengma-teng) олиб боради. Фарзандларга тадбиркорлик қўникмалари ва мустақил бўлиш фикри сингдириб борилади.

Инновацион оила модели эса, жамиятни ривожлантириш истиқболлари, жаҳон иқтисодиёти талабларига ҳамоҳангдир. Бу, бир томондан асосий маданий қадриятлар ва муносабатларнинг авлодлараро айланишини, бошқа

томондан эса оила муаммоларининг алоҳида эмас, балки глобал тарзда намоён бўлишига эътибор қаратиладиган, шунингдек, ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантириш, инновацион ғояларни яратиш ва амалга оширишга қодир бўлган ёшлар сонини ошириш масъулиятини назарда тутади.

Ёш авлодни ота-боболар ва оналар ўгитлари, турмуш тарзи асосида оилавий ҳаётга тайёрлаш олий таълим тизими олдида турган муҳим ва масъулиятли вазифалардан бири бўлмоғи лозим. Ҳар бир ота — она ўз фарзандини дунёдаги энг толеи баланд, маърифатли ва саодатли бўлишини истайди ва бунга эришиш йўлида ҳаракат қиласи. Болапарварлик халқимизнинг қалбига сингиб кетган фазилатdir. Фарзанд Аллоҳ томонидан ато этилган улуг незъмат бўлиши билан бирга, у ота – онага топширилган масъулият ҳамда омонат ҳамдир. Бу борада ота-оналарнинг оилада фарзанд тарбияси ва маънавий-ахлоқий, руҳий ва жисмоний камолоти учун зарур бўлган ижобий ота-оналиқ кўникмаларини ўзлаштириб бориши катта аҳамиятга эга.

Фарзандлар оила мустаҳкамлигини таъминловчи муҳим омиллардан биридир. Оилада улғаядиган боланинг қандай инсон бўлиб шаклланиши энг аввало ота-онага боғлиқ. Тарбия шахснинг маънавий ва ақлий қиёфасини, қолаверса, бутун тақдирини белгиловчи омил. Оиладаги маънавий муҳит, шахслараро муносабатлар, боланинг тарбиясида жуда катта роль ўйнайди. Улуг мутафаккир Абдулла Авлоний «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» китобида «Аллоҳ таоло инсонларни асл хилқатда истеъдод ва қобилиятли, яхши билан ёмонни, фойда билан зарарни, оқ билан қорани ажратадиган қилиб яратган. Лекин инсондаги бу қобилиятни камолга етказиш тарбия билан бўлур. Куш уясида кўрганини қилар», дейди.

Фарзандларнинг хулқига эътибор бериш жуда зарур. Ота-оналар ўз фарзандларининг ижобий фазилатларини олдиндан кўра олишлари керак. “Одамга болаликдан сингдирилган одатлар ёш дараҳт танасига ўйиб ёзилган ҳарфларга ўхшайдики, улар дараҳт билан бирга ўсади, вояга етади дараҳтнинг таркибий қисмига айланиб қолади”, дейди Виктор Гюго. Ота-оналар қанча кўп

танбех берсалар, ёмон ахлоқ шунча кўп тақрорланади. Улар кўплаб танбех олишганда болалар ўзини ёмон тутиши керак бўлган ёмон бола сифатида тушинишни бошлайдилар. Шундай тарзда улар ўз хулқларини тузатиш учун мотивацияни ҳис қилмайдилар. Ота-оналар билишадики, энг самарали ёндашув ўз болаларининг яхши сифатларини тан олиш ва эътироф этиш ҳисобланади. Буни бажариш учун барча имкониятни ишга солишга тўғри келади, аммо тезда фарзандларингиз хулқи яхшиланганлигини сезасиз.

Болани жамият эҳтиёжларига йўналтиришга ўргатиш лозим. Агар Сиз фарзандларингиз хурсанд, тўлақонли ҳаёт кечиришини истасангиз бошқаларга хизмат қилиш ва ўз ҳиссангизни қўшишни ўрганинг. Уларни фаолиятга жалб қилинг, бунда улар бошқаларга ёрдам бериши ва ижобий таъсир кўрсатиши керак. Фарзандларингиз қўпроқ ҳисса тўғрисида, камроқ шахсий манфаат ҳақида ўйласалар, улар онгли ҳаёт қуришни ўрганади. Роберт Оуэн “Мунтазам тараққий этадиган, гуллаб-яшнайдиган ва ҳамиша баҳт-саодатли жамият бунёдкорлари бўлган шахсларда яхши характерларни шакллантирмоқ учун ҳар бири ёшлиқданоқ кучли ва қобилиятига қараб кундалик фойдали ишга ўргатилмоғи керак” лигини эътироф этади.

Болаларга уйда мажбуриятлар бериш орқали уларда меҳнат тарбиясини, масъулиятни шакллантириш лозим. Фарзандларингизга меҳнат қилишга, уй юмушларида катталарга ёрдам беришни ўргатинг. Шу йўсинда болаларда ижтимоийлашув шаклланади ва улар мустақил ҳаётга қадам қўйишни ўрганадилар. Уй мажбуриятлари масъулият, бурч, ҳамкорлик, меҳнатсеварлик билан боғлиқ муҳим ҳаётий дарсларни болаларга ўргатади. Бундай дарсларни эрта ёшда ўрганадиган инсонлар катта эҳтимоллик билан лаёқатли инсонлар бўлиб етишадилар. Агар болалар меҳнат қилишга ундалмаганларида на саводхонликка, на музика, на гимнастикага, ҳаттоқи инсонда эзгуликни мустаҳкамловчи номусга хам ўрганмаган бўлур эдилар. Одатда номус ана шу машғулотларнинг етарлигидан дунёга келади. Буюк файласуф Демокритнинг ушбу фикрида меҳнат барча эзгу фазилатларнинг асоси эканлиги таъкидланган.

Мазкур давр — фуқаролик ва психологик етукликка эришиш жараёни ҳамдир. Чунки бу даврда етук шахсга доир ижтимоий ҳуқуқ ва бурчнинг бутун тизими эгаллаб борилади. Бу даврда ўз-ўзини англашнинг ривожланиши асосида ёшларнинг танлаган касблари ва уни эгаллашга оид шахсий ҳаёт тарзи ҳамда оила ҳақидаги қарашлари шаклдана боради. Аммо, ўспиринлик ёши даври ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бобида энг асосий даврлардан бири бўлсада, бизнинг назаримизда бугунги кунда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ўсмир ва ўспиринлик даври тугаши, яъни умумий ўрта таълим ва ўрта маҳсус касб-хунар таълими жараёни якунида тўхтаб қолаётгандек туюлади. Ваҳоланки, ёшларнинг кўпчилиги айнан талабалик йилларида ёки унинг якунида оила қурганлиги туфайли ҳам оила-никоҳ муносабатларида, оила аъзолари билан мулоқотда юқори даражадаги маънавий-ахлоқий ва ижтимоий-психологик тайёргарлик, турмуш маданиятига эга бўлишни талаб қилмоқда.

Куйида келтирилган оила моделларининг таснифланиши юқорида келтирилган фикрларимизнинг давоми бўлади.

Ўзбекистонда оила моделларининг таснифланиши

Анъанавий оила модели	Замонавий оила модели	Инновацион оила модели
<p>Маънавий-ахлоқий тарбия Эркак – оила бошлиғи. Болалар ота-оналарига бўйсунадилар, ҳар қандай оила аъзосининг нуфузи унинг жинсига ва ёшига боғлик. Оилавий қадриятлар “ота-она – болалар” муносабатлари учун асос ҳисобланади. Бунда бир неча авлодоилалар (бобо-буви, ота- она, ёш оиланинг бирга яшашлари) устунлик қиласди.</p>	<p>Ижтимоий-иқтисодий жиҳатлар Демократик замонавий ўзгаришлар ва бозор ислоҳотлари натижасида аёлларнинг сиёсий-иқтисодий вайжтимоий мақоми ошади.</p> <p>Моддий фаровонлик Оиланинг моддий фаровонлиги белгиланади. Фарзандларга тадбиркорлик қўнималари ва мустақил бўлиш фикри сингдирибборилади.</p> <p>Таълим даражаси Таълим даражаси моддий фаровонликни белгилаб беради.</p> <p>Саломатлик Оиланинг нуктаи назари касалликларни даволашдан кўра олдини олиш (профилактика) афзал экани ҳақидаги фикрга ўзгаради.</p>	<p>Ижтимоий-иқтисодий жиҳатлар Илмий-инновацион хизматлар соҳасида оиланинг ижодий потенциали ва бандлиги ортиб боради.</p> <p>Ижтимоий қадриятлар – карьера, ҳукмронлик, фаровонлик (ва ҳоказо)омиллар кучаяди.</p> <p>Таълим даражаси Иқтисодиётда “илмий жиҳатдан асосланган” тушунчасидан фойдаланиш оила аъзоларининг таълим сифати ва даражасини оширишни талаб қиласди. Таълим-тарбиянинг инновацион услублари жорий этилади, фарзандларга интеллектуал меҳнат кўнималари сингдирилади.</p> <p>Саломатлик Софлом турмуш тарзи,</p>

		овқатланиш ва дам олиш маданияти ўзгаради.
<p>Оиладаги психологияк мухит Эркак ва аўлнинг роллари аниқ белгиланган ва бириктирилган: эркашилаб пул топади, аёл – уйда фарзандлар тарбияси билан шуғулланади.</p>	<p>Оиладаги психологик мухит Аёл мақомининг ошиши натижасида оилавий ҳаёт меъёрлари ва оила ичидаги роллар ўзгаради. Ота-она профессионал карьерасини ва оилавий мажбуриятларини мутаносиб равишда (тengма-тeng) олиб боради. Фарзанд тарбиясида оталик институти, ота-она муносабатлари ва ота-оналик масъулияти ҳам ўзгаради.</p>	<p>Маънавий-ахлоқий тарбия Оилавий қадриятлар маданияти, ўз шажарасига, аждодлар истеъ-додларига, оила аъзоларининг жамият ва давлат олдидағи хизматларига муносабат ўзгаради. Оила қадриятлари “ота-она-фарзандлар” муносабатлари учун асос бўлиб колади.</p>
<p>Ижтимоий-иктисодий жиҳатлар Моддий фаровонлик Молиявий ресурслар эркак кўлида тўпланди ва асосий қарорларни у қабул килади.</p> <p>Таълим даражаси ва саломатлик Оила соглиқни саклаш бўйича давлат (бепул) хизматларига таянади. Барча оила аъзолари эркак қарамогида бўлади</p>	<p>Маънавий-ахлоқий тарбия Турмуш шароитларининг ўзгариши (урбанизация) оилавий қадриятлар меъёрларини ҳам ўзгартиради. Индивидуализм қадриятлари ортади. Салбий оқибатлар намоён бўлади – оилалар тузилмалари ўзгаради: бир неча авлод оила (бобо-буви, ота- она, ёш оиланинг бирга яшашлари) анъаналаридан чекинилади; ажрашишлар сони ўсади, ёлғиз оналар кўпаяди ва бошқа омиллар.</p>	<p>Оиладаги психологик мухит Оилалар фаровонлигининг ўсиши, жамиятни ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш жисмоний уй меҳнатини (шу жумладан, майший жанжаллар ва низоларни) камайтиради.</p>

Манба: «Оила моделларининг таснифланиши». «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган, 2018.

Адабиётлар таҳлили. Ижтимоий-фалсафий асарларда оила ва оила муносабатлари бир қанча векторларда кўриб чиқилган. Хусусан, Шарқ алломалари Маҳмуд Замахшарий, Муҳаммад Шариф ал Бухорий, Насриддин Бурхонуддин Рабғузий, Ризоуддин Ибн Фахруддин, Ҳусайн Воиз Кошифий, А.Навоий, буюк жадидчи Абдурауф Фитрат ва бошқаларнинг асарларида оила масалалари бўйича улкан мерос қолдирилган.

Хозирда ўзбек фаласафасида ўз ўрнига эга бўлган тадқиқотчилар – С.Акмалованинг “Онагинам”, Б.Валиева ва И.Черкашиналарнинг “Ўзбекистонда хотин-қизлар: қонун ва жамият муаммолари”, Р.Восиқованинг “Ҳар бир аёл учун”, В.Каримованинг “Оила ижтимоий ҳимоя омиллари”, У.Маҳкамованинг “Ахлоқ ва одоб сабоқлари”, О.Мусурмонованинг “Оила маънавияти ва миллий ғурур”, Ф.Саифназарова ва И.Саифназаровларнинг

“Ўзбек оиласи: ижтимоий ва маънавий қадриятлар”, М.Холматованинг “Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси”, Р. Убайдуллаевнинг “Мустақил Ўзбекистон: Аёл, оила ва жамият” илмий ишларида оила масалалари таҳлил қилинган[1].

Юртимизда оила моделлари бўйича собиқ «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази изланиш олиб борган бўлиб, ҳозирда у Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 июндаги 367-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-кувватлаш вазирлиги ҳузуридаги "Маҳалла ва оила" илмий-тадқиқот институти сифатида фаолият юритмоқда. Собиқ марказ томонидан 2018 йил ўтказилган тадқиқот натижасида оила моделлари таснифланиб, уларнинг хусусиятлари, қадриятлари ва уларга нисбатан ҳалқ фикри ўрганилиб чиқилган.

Олиб борилган тадқиқот. Оилаларда ўтказилган сўровлар натижалари бўйича[2] Ўзбекистонда оила аъзолари ўртасида аниқ иерархия, оила аъзоларининг функциялари ва вазифалари тақсимланиши билан тавсифланадиган оила модели мавжудлиги маълум бўлди. Яъни, оилада етакчи – уйдаги тартиб ҳамда оила аъзолари масъулиятига жавоб берадиган, юзага келадиган келишмовчиликларни ҳал қилиш ва оила бюджетини бошқариш кафолати ҳисобланган оила бошлиғи бор.

Сўнгти йилларда оиладаги етакчилик масаласи бўйича жамоат фикрининг ўзгариш тенденцияси қайд этилди. Агар 2015 йилда 81 фоиз респондентлар оилада етакчи эркак киши бўлиши кераклигини қайд этган бўлса, бир неча йиллар ўтиб, оиладаги етакчиликни жинсга эмас, балки ёшга қараб белгилаганлар сони ортди (2015 йилдаги 15 фоиздан 2018 йилда 21 фоизга ўсган).

Бундай сўровлар натижалари бўйича эркаклар оила аъзолари олдида муайян мажбуриятларга эгалиги маълум бўлди. Булар қаторига моддий фаровонлик (респондентларнинг 90 фоизи) ва қониқарли тураг-жой шароитлари (47 фоиз), фарзандларга таълим олиш учун имконият яратиш (22

фоиз), фарзандлар тарбиясида иштирок этиш (34 фоиз) киради.

Аёлнинг мажбуриятларига фарзандлар тарбияси (64 фоиз) ва уларни парваришилаш (55 фоиз), уй хўжалигини юритиш (50 фоиз) ва оилада қулай психологик муҳит учун жавобгарлик (30 фоиз) киради. Шу билан бирга, оилада мустаҳкам муносабатлар ўрнатиш учун, ўзаро тушуниш, ҳурмат ва сабр-тоқат (61 фоиз), моддий фаровонлик (28 фоиз) ва бошқалар бўлиши керак.

Хулоса шуки, Ўзбекистон оилаларининг кўз ўнгига анъанавий оила – бу ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик асосида қурилган, оила бошлиғининг юқори обрўси ва ёши катталарни қадрлаш ҳамда фарзандлар ҳақида қайғуриш билан тавсифланадиган бир неча авлодли оиладир.

XX аср охирларида бошланган ва бугун ҳам изчил давом этиб келаётган демократик, сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар ошишига қулай шарт-шароит яратди. Ушбу янгиланишлар аҳоли аксарият қисмининг, айниқса, шаҳарлар ҳудудларида оилаларнинг «замонавий оила модели»га ўтишларида қулай имкониятларни тақдим этди.

“Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан 2018 йилда ўтказилган сўровлар натижаларига қўра, аксарият респондентлар замонавий намунали оила – бу соғлом ва муайян маълумотга эга бўлган оила аъзоларига, моддий фаровонлик ва қулай психологик муҳитга эга бўлган, фарзандларни анъанавий миллий қадриятлар асосида тарбияловчи, ФХДЁда расмий рўйхатдан ўтказилган тўлиқ (ота ва она мавжуд) оила эканини таъкидлашган[3].

Тадқиқот натижалари. Оилаларда ўтказилган мазкур сўровлар замонавий намунали оиланинг устувор мезонларини аниқлаш ва уларни умумлаштириш имконини берди:

□ оила аъзолари ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ўзаро бир-бирини тушунишга қаратилган қулай психологик муҳит, ота-оналарни, катта авлод вакилларини (бобо ва буви) қадрлаш, сабр-тоқат ва оиладаги келишув замонавий намунали оиланинг асосий жиҳатлари эканини сўралганларнинг 24

фоизи қайд етди;

- фарзандларни миллий-маданий қадриятларга, анъанавий урф-одатларга таянган ҳолда, бурч, масъулият ва интизом туйғуларини эътиборга олиб, шунингдек, ота- оналар ўзларининг намунали хулқи, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, мулоқот ва муомала маданияти, илмий маълумотини ибрат қилиб маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш замонавий намунали оиланинг асосий мезонларидан бири эканини респондентларнинг 23 фоизи эътироф этди;
- уддабуронлик, тадбиркорлик, муқим иш ва етарли даромад билан таъминланганлик, оила бюджетини тўғри тақсимлай олиш, оила ўз жамғармасига эга экани, қулай уй-жой ва майший шароитларни ўз ичига олувчи моддий фаровонлик замонавий намунали оила мезони эканини сўралганларнинг 18 фоизи алоҳида таъкидлади;
- келгусида оила аъзоларининг мавқеи ва мартбасини ошириш ҳамда жамиятга манфаат келтиришини таъминловчи, интеллектуал, юқори самарадорлик ва юқори ҳақ тўланадиган иш билан банд бўлиши имкониятини таъминловчи сифатли таълим даражаси замонавий намунали оила мезони бўла олиши ҳақидаги фикрга респондентларнинг 17 фоизи эга;
- сўралганларнинг 13 фоизи эса, замонавий намунали оила мезонларини жисмоний ва психологик саломатликни қувватлаб туриш, соғлом турмуш тарзини олиб бориш, бутун оиланинг спорт билан доимий шуғулланиши, дам олишни тўғри ташкил этиш, овқатланиш ва гигиена маданиятини оширишда, деб билади[4].

Шундай қилиб, анъанавий миллий-маданий қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда ижтимоий- иқтисодий ва демографик ислоҳотлар таъсири остида анъанавий оила моделининг ўзгариши юзага келади. Оила институтини мустаҳкамлаш, замонавий, фаровон ва соғлом оилаларни шакллантиришда муҳим роль ўйнайдиган фарзандларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси ва таълим олиш мезонлари кейинчалик биринчи ўринга чиқади.

Конунчилик билан белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган –

рўйхатдан ўтказилмаган никоҳлар – ҳатто умумий хўжалик юритилганда ҳам ва умумий фарзандларга эга бўлганда ҳам юридик жиҳатдан тан олинмайди. (Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 64-моддаси (Ўзаро никоҳда бўлмаган шахслардан туғилган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари)га қўра, ушбу Кодекснинг 61- (Ота-онанинг аризаси бўйича боланинг насл-насабини белгилаш) ва 62-моддалари (Оталиknинг суд тартибида белгиланиши)да назарда тутилган тартибида оталик белгиланганда болалар ота-онаси ва уларнинг қариндошларига нисбатан ўзаро никоҳда бўлган шахслардан туғилган болалар билан teng ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар).

Кўп ҳолларда Ўзбекистонда никоҳ тузиш ҳеч қандай юридик кучга эга бўлмаган анъанавий диний усулдаги шаръий никоҳга таянади. Якуний натижаларга қўра, сўров ўтказилган оиласаларнинг 90 фоизи шаръий никоҳдан ўтишни мажбурий, деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг алоҳида минтақаларида ФХДЁ давлат органларида рўйхатдан ўтмасдан, аёллар ва болалар учун бир қатор салбий оқибатларга эга бўлган исломий никоҳлар удуминигина ўтказиш тенденцияси кузатилади. Мустаҳкам ва соғлом оила тузилишидан манфаатдор бўлган давлат юридик жиҳатдан нотўлик бўлган бундай иттифоқларга салбий муносабатдадир.

«Оила» маркази анкета тарқатиш услуби билан Андижон вилоятининг 465 та оиласида сўровлар ўтказди. Тадқиқотнинг мақсади – бундай никоҳларда аёллар ва болалар дуч келадиган муаммолар ва бундай никоҳлар тузишнинг сабабларини аниқлашдан иборат эди. Шу боис сўровлар учун мақсадли гурӯҳ сифатида кўпроқ ФХДЁ органларида расмийлаштирилмаган, бироқ шаръий никоҳ бўйича яшовчи оиласалар танлаб олинди.

Натижалар шуни кўрсатди, сўров вақтида 66 фоиз респондент бир оиласага, 31 фоизи – икки оиласага (шундан эркаклар – 42 фоиз), 3 фоизи – уч оиласага эга бўлган. Сўров ўтказилганлардан 90 фоизининг фарзандлари бор бўлиб, уларнинг ярмидан кўпи норасмий никоҳдан туғилган. Шаръий никоҳ, айниқса, қишлоқ худудларида кўп тарқалган[2].

Расмий рўйхатдан ўтмаган ҳолда, шаръий никоҳда яшайдиганларнинг умумий қиёфаси шуни кўрсатдики, аёллар ўртасида – булар кўпроқ ишламайдиган, ўрта маҳсус маълумотли, моддий таъминоти ўрта ва ўртадан паст даражада, 1–2 нафар фарзандлари бор респондентлардир. Эркаклар ўртасида эса – бу ўрта ёшдаги (30–40), кўпчилиги олий маълумотга эга бўлмаган, ўртача моддий таъминотга эга, 2 ва ундан ортиқ фарзанди бор респондентлардир.

«Рўйхатдан ўтказилмаган ҳолда, фақат шаръий никоҳда яшашни меъёр деб ҳисоблайсизми?» деган саволга 88 фоиз респондент салбий жавоб қайтарди. Бу жавоб аёллар ва эркаклар, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, барча ёшдагилар ўртасида бир хил бўлди.

Сўралганлар ичida ёш аёллар норасмий шаръий никоҳларнинг асосий ташаббускорлари уларнинг ота-оналари (49 фоиз), эрлари (34 фоиз) ва фақат 16 фоиз ҳолатда – ўzlари ҳисобланишларини қайд этишди[5].

Рўйхатдан ўтказилмаган никоҳлар тарқалишининг асосий сабаби эса, оиласидаги муаммолар, моддий қийинчиликлар, биринчи никоҳдан ажрашиш имкониятининг йўқлиги ва бошқалар саналashi маълум бўлди.

«Рўйхатдан ўтказилмаган никоҳларнинг салбий оқибатлари ҳақида биласизми?», деган саволга 85 фоиз респондент ижобий жавоб бериб, бу салбий оқибатларни ўз бошидан ўтказганини таъкидлади: 32 фоизи – бола туғилганида хужжат олишда, 19 фоизи – турар-жойи бўйича рўйхатга қўйишида (прописка), 11 фоизи – меросни белгилаш ва олишда, 12 фоизи – мулк ҳуқуқи белгиланганида, 19 фоизи – турмуш ўртоғи томонидан масъулиятсиз муносабатда бўлиш муаммоси билан тўқнашган. Сўралганларнинг фақат 5 фоизигина ҳеч қандай муаммога дуч келмаганини маълум қилган.

Шу билан бирга, 95 фоиз респондент меъёрий тўқис оиласада, болалар тақдири учун масъул бўлган эр билан, мулкий ҳуқуқлари чекланмаган ҳолда эртанги кунга ишонч билан яшашни исташини билдириди. Улар норасмий никоҳда яшашга мажбур бўлаётганларининг асосий сабабларидан бири сифатида турмуш ўртоқлари биринчи никоҳидан ажрашмагани ва оиласи бор

эканини кўрсатиб ўтишди. Аёлларнинг бир қисми эса, меҳнат миграциясида бўлган эрлари билан алоқалар узилгани боис биринчи никоҳини бекор қила олмаётганликларини қайд этдилар.

«Оилангизда низолар бўлиб турадими?» деган саволга фақат 17 фоиз респондент камдан кам, 76 фоизи – баъзида, 7 фоизи – сурункали равишда, деб жавоб берди. Яъни, бундай вазият нафақат хукукий муаммолар нуқтаи назаридан нокулай, балки оиласдаги доимий можаролар ва нокулай психологик муҳитнинг ҳам манбаи ҳисобланади. Энг ачинарлиси, бундан биринчи навбатда болалар ҳар томонлама азият чекади.

Хуроса. Юқорида акс этган тадқиқот натижаларидан қўйидаги хуросаларга келиш мумкин:

Биринчи – анъанавий, замонавий ва инновацион оила моделлари Ўзбекистонда параллел, бироқ турли миқёсларда ишлаб турибди. Анъанавий оила модели кўпроқ учрайди. Йирик шаҳарларда таълим олишга, соғлом турмуш тарзига ва моддий фаровонликка асосланган замонавий оила модели кенг тарқалган. Фақат оиласарнинг кичик қисмигина инновацион моделга киради. Бу оиласар юқори ижодий ва илмий потенциалга эга бўлиб, уларда оила аъзоларининг нуқтаи назари ўз оиласининг шахсий муаммоларига эмас, балки жамиятнинг муаммоларига қаратилган. Бунда оилавий қадриятлар ва оила анъаналари «эр ва хотин» «ота-она-фарзандлар» муносабатлари учун негиз бўлиб қолади.

Иккинчи – оила моделининг ўзгаришлари оилавий қадриятлар ва оила-никоҳ муносабатлари нормаларининг ҳам ўзгаришига, хусусан, кўп авлодли оиласардан чекинишга, индивидуализм қадриятларининг ўсиши ва норосмий иттифоқларнинг (рўйхатдан ўтказилмаган «фуқаролик» никоҳлари) тарқалишига олиб келади. Бундан ташқари, турмуш шароитларининг ўзгаришлари (урбанизация), аёлларнинг ижтимоийлашуви ажрашишлар сонининг ўсишига, ёлғиз оналарнинг кўпайишига ва бошқа нохуш оқибатларга олиб келади. Бундай ҳодисаларнинг оқибатлари фарзандларга, эрхотиннинг ўзига ва умуман, жамиятга салбий таъсир кўрсатади.

ФХДЁ органларида расмийлаштирилмаган, бироқ шаръий никоҳ удуми билан тузилган никоҳларнинг тарқалиш динамикаси ижтимоий ва иқтисодий омилларга боғлиқ. Ижтимоий омилларга ҳуқуқий билимлар даражасининг пастлиги, ислом оила ҳуқуқида белгиланган оила муносабатларининг ҳақиқий тартиблари ва меъёрлари, никоҳ шартлари, унда томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, никоҳни бекор қилиш асослари ва бошқа соҳалардаги билимларнинг етишмовчилиги киради. Ушбу йўналишда қуидагилар мақсадга мувофиқ саналади:

- ҳам катта ёшлилар (ёш қизлар ва аёллар учун норасмий диний никоҳларнинг асосий ташаббускорлари уларнинг ота-оналари ҳисобланадилар), ҳам аҳолининг ёш қатлами ўртасида самарали маънавий-маърифий ишлар олиб бориш, уларнинг онгига, маънавий дунё- қарашида оиланинг моддий фаровонлиги, фарзандларнинг таълим-тарбияси, оиладаги кулай психологик мухит ва бошқалар учун жавобгарлик туйғусини шакллантириш;
- ислом оила ҳуқуқининг асл мазмун-моҳияти бўйича оилани шакллантириш юзасидан билимлар даражасини ошириш;
- оиласи муносабатлар тартибга солинган Қуръон оятлари ва Ҳадислар мисолида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;
- эр-хотин ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб турувчи нормаларни, эр ва хотиннинг, ота-она ва фарзандларнинг маънавий ва ҳуқуқий мажбуриятларини кенг тушунтириш ва жорий этиш.

Муаммонинг иқтисодий жиҳати ёшларнинг, айниқса, болали ёш аёлларнинг, ёлғиз оналарнинг бандлигини таъминлаш масалаларини ўз ичига олади ва бу орқали уларда боқимандаликни эмас, балки фаол турмуш тар-зини тарбиялаб боради. Ёш аёллар учун ишлаш ва пул топиш имконияти шаръий никоҳ орқали тузилган бўлса ҳам, норасмий (мажбуран) никоҳларни тузиш ҳолатла- рининг сонини қисқартиради.

Ўзбекистонда оилани ривожлантиришга глобал даражада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор тараққиёт мақсадлари доирасида,

шунингдек, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида қаралмоқда.

Шу билан бирга, ушбу соҳада давлат сиёсатини муваффақиятли олиб боришни тўхтатиб турувчи бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги ислоҳотларни тўлиқ рўёбга чиқаришга ва белгиланган мақсадларга эришишга тўскенилик қилмоқда. Идора ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда мониторинг қилишнинг таъсирчан тизими мавжуд эмас, оилани ривожлантириш масалалари бўйича давлат, фуқаролик жамияти институтлари ва хусусий сектор ҳамкорлиги паст даражада.

Оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги илмий тадқиқотлар ихтисослиги тор, ҳозирги ҳаёт воқелигидан узилиб қолган, илмий тадқиқотлар натижалари амалиётга суст жорий этилмоқда.

Оиланинг демографик ривожланишида ўзгаришлар юз бермоқда, оила ажралишлари сони ўсмоқда, мазкур соҳада салбий тенденциялар ва муаммолар сабабларини асословчи тадқиқотлар етишмаяпти.

Давлат ижтимоий сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланган оила сиёсати аҳоли бандлигини ва реал даромадларини изчил ошириб боришга, фуқаролар фаровонлигини оширишга, ижтимоий муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган.

Давлат органларининг, фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги тизимининг аниқ ишлаши, қабул қилинаётган норматив-хуқуқий хужжатлар ва давлат дастурларини сўзсиз амалга ошириш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва самарали ҳал қилиш ушбу мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади[6].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-куватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-

сон Фармони ва «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2020 йил 18 февралдаги ПҚ-4602-сон Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди.

Оила барқарорлиги ёшларнинг ақлий ривожланиш даражасига ҳам боғлиқ бўлади. Зотан, ҳар бир йигит-қиздан ақлий ривожланиш, тафаккур ва интеллектуал қобилият, никоҳга киришнинг моҳияти ва келажакда ўз оиласи олдида масъулиятни ҳис этишини таъминлайди. Бугунги қунда назаримизда турли ахборот манбалари орқали кириб келаётган европача оилавий ҳаёт тарзи ёшларга салбий таъсир кўрсатмасдан қолмаяпти. Шунинг учун ҳам ёш авлодни оилавий ҳаётга тайёрлаш муаммосига Республикаизда мустақиллик йилларида ва айниқса бугунги қунда ҳар томонлама эътибор кучайтирилиб, бунга оила билан бир қаторда мактаб, маҳалла, ўқув юртлари, жамоат ташкилотлари, ҳар бир фуқаронинг масъуллигига эътибор қаратилди ва оила муаммоси давлат сиёсати даражасига қўтарилиди.

Шунинг учун ҳам бундай шароитда олий ўқув юртларида ҳам ёшларнинг ижтимоий ҳаракатига кўпроқ эътибор бериш керак. Доно халқимизнинг ажойиб бир ҳикматли сўзи борки: “Фарзанд азиз, тарбияси эса унданда азиз”. Фарзандини шахс сифатида камол топишида ота-она ҳар бир ишни донолик ва хушерлик билан амалга ошириши, сабрли бўлиши керак. Миллий қадриятларни унутмай оиласига, фарзандига меҳр-муҳаббат билан яшashi керак. Тарбия ота-онанинг изланиши ва меҳнатининг самараси. Фарзандларимиз биз кутгандек инсон бўлиши учун, аввало тарбияни ўзимиздан бошлашимиз керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.Н.Толибов “Оила ижтимоий-маданий қадрият сифатида (Ўзбекистон ва Жанубий Корея мисолида)” мавзуидаги 09.00.04 – Ижтимоий фалсафа Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси.

2. Жамоат фикри сўрови натижалари бўйича ахборот-таҳлилий маъруза. «Оила ва жамият: маънавий ва ахлоқий дунё». «Ижтимоий фикр» маркази, 2018.
3. Ўзбекистон минтақаларидаги 800 та оиласда ўтказилган социологик сўровлар натижалари бўйича «Ўзбекистонда замонавий намунали оила модели» таҳлилий маълумоти. «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, 2018 й.
4. Манба:«Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан ўтказилган социологик сўровлар. 2018 й.
5. «Оила» Илмий-амалий тадқиқот марказининг Андижон вилоятида ўтказган социологик сўровлари, 2018 й.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси. Т., 2020 й.